

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг

2022 йил «25» феврал даги

К-14 -сонли Қарори

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Бошқарувининг

2022 йил «23» феврал даги

16/4 -сонли Қарори

№ 930

**“Туронбанк” АТБ ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома «Туронбанк» АТБ ходимларининг (кейинги ўринларда – Банк) этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Банк ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Банк ходимларини Ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жиҳатдан қулайлик – банк ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек банк ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукамалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

хаммабоплик – Ўқитиш банк ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, банкнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш;

дифференциаланган ёндашув – банкда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда махсус ўқитилади;

ўқитиш усуллари ва шакллари доимий равишда такомиллаштириш – банк ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек банк ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усуллари аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда банк ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар куйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, банкнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банкнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши ҳулқ-атворнинг ахлоқий кадриятлари ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган ҳулқ-атвор моделини шакллантириш;

банк ходимларини банкда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий ҳулқ-атвор, банкнинг этик ҳулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар

6. Банкнинг Ўқув маркази банк ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек банкда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Банкнинг Комплаенс назорат департаменти (кейинги ўринларда – Комплаенс назорат) банк ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Банкнинг Ўқув маркази Ўқитиш интизومي ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

9. Комплаенс назорат департаменти, Ходимлар билан ишлаш департаменти ва Ўқув маркази тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Банкда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:
барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;
банк ходимларининг этик ҳулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;
коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва банк тизими ходимларининг этик ҳулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш банкнинг **барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.**

12. Банкнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, банкнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат ҳулқ-атворида қўйилган талаблар, банк ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан банкнинг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, банкда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллаш билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Банк ходимларининг этик ҳулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш банкнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва банкда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Банк ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва банк ходимларининг этик ҳулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Банк ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва банк ходимларининг этик ҳулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим

саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати «Туронбанк» АТБ ходимларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички хужжатлар.

19. Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш **йилига камида бир марта** малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (ташкilotлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

20. Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

21. Ушбу Йўриқноманинг 19 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида **10 (ўн) соатни** ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

22. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг ички хужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Банк ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Банк ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахнинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

банкда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Банк Бошқаруви қарорига мувофиқ.

25. Банкга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши ва банк ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур бобнинг 22-23 бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва банк ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Ўқув маркази томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Ўқув маркази ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни банк Бошқарув Раисига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўқув марказининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Ўқув марказини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

28. Ўқув маркази банк ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда банкнинг Комплаенс назорат департаментига тақдим этади.

Банкнинг Комплаенс назорат департаменти олинган маълумотларни таҳлил қилади (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари коррективровка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

29. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Ўқув маркази директори бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

30. Ўқитиш жадвали, йўқлама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Ўқув марказида сақланади.

8-боб. Яқуний қоидалар

31. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Банкнинг Комплаенс назорат департаменти мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Банк ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Киритилди:

**Комплаенс назорат департаменти
директори в.б.**

М.Д.Мирзаев

Келишилди:

**Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари**

А.Т.Ташев

**Бошқарув Раиси
ўринбосари**

С.Т.Калдибоев

**Бошқарув Раиси
ўринбосари**

Д.А.Рустамов

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Дж.А.Ташкулов

Бухгалтерия ҳисоби ва
молиявий ҳисобот
департаменти директори в.б.

Б.Х.Ахмедов

Ғазначилик ва қимматли
қоғозлар департаменти директори в.б.

И.З.Қутбиддинов

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори

Ш.А.Ибрагимова

Юридик департаменти
директори

Б.Н.Арипов

Ички аудит департаменти
директори в.б.

Ў.И.Тангиров

Банк аппарати раҳбари

Ш.М.Хамраев

Кредитлаш департаменти
директори в.в.б

У.Н.Ўтанов

Инвеститция фаолиятини
мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни
бошқариш маркази директори в.в.б.

А.А.Муаззамов

Банк рискларини бошқариш
департаменти директори в.б.

Ш.Э.Бозоров

Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори

Б.У.Ахмедов

Ахборот технологиялари
департаменти директори

Б.Н.Дехканов

Банкни стратегик
ривожлантириш ва маркетинг
департаменти директори

Ф.А.Рўзикулова

Чакана хизматлар кўрсатиш
департаменти директори

Р.Ш.Файзиев

Ўқув маркази директори

И.Т.Саламов

**Банк хавфсизлиги ва ахборотларни
муҳофаза қилиш бошқармаси
бошлиғи**



Н.И.Тангнибердиев

**Лойиҳаларни бошқариш
офиси раҳбари**



Ф.А.Исмаилов

Ишлар бошқармаси бошлиғи

А.А.Шаққулов

“Туронбанк” АТБ ходимларининг этика ва
коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини таъкид қилиш бўйича
йўриқномага илова

**“Туронбанк” АТБ тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишининг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Банкда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.
Таъкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Банкдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи; Банкдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Мазмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Мазмурий тўсик ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).
Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик	Банкдаги хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари; Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий

Мавзу	Компонентлар
<p>коррупциявий харакатлар</p>	<p>хавф-хатарлар; Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Фукаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ходимларни Банкта танглаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Биноларни ижаратга бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий ташиқлотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Банк фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p>
<p>Коррупциявий харакатлар учун жавобгарлик</p>	<p>Коррупциявий харакатлар учун интизомий жавобгарлик; Коррупциявий харакатлар учун жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий харакатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.</p>
<p>Коррупцияга қарши курашишда фукаролик жамияти ролли</p>	<p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида; Фукароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва ҳулқ-атворини шакллантириш; Фукаролик жамияти институтларининг Ташиқлот билан ўзаро ҳамкорлиги.</p>

